

«ТАСДИҚЛАНГАН»
“Kvarts” aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг 2021 йил
6 мартдаги Умумий йиғилиши
қарори билан
(2021 йил 6 мартдаги 1-сонли
баённома)



“Kvarts” aksiyadorlik jamiyati
ижроия органи тўғрисидаги
НИЗОМ
(янги тахрир)

Қувасой шаҳри - 2021 й.

МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар
2. Акциядорлик жамияти ижроия органининг таркиби ва ваколат доираси
3. Бошқарувни ташкил этиш тартиби
4. Бошқарувнинг иш тартиби
5. Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
6. Бошқарув аъзоларининг жавобгарлиги
7. Бошқарув аъзоларига ҳақ тўлаш
8. Ахборотни ошкор этиш
9. Яқуний қоидалар

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу “Kvarts” aksiyadorlik jamiyati ijroia organi tўғрисида»ги Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), Корпоратив бошқарув Кодекси (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган) тавсиялари ва “Kvarts” aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда - Жамият) Устави асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Низом Жамият Бошқарувининг мақомини, Бошқарув ишини, унинг аъзоларини тайинлаш тартибини, шунингдек ҳар бир аъзонинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.3. Бошқарув Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади ва Жамиятнинг бошқарув органи ҳисобланади.

1.4. Бошқарув Жамият Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобдордир.

1.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилиши мумкин. Тузиладиган шартноманинг шартлари, агар Жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

2. БОШҚАРУВ ВА БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

2.1. Бошқарувнинг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

2.2. Бошқарув Акциядорлар умумий йиғилишининг ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлайди.

2.3. Бошқарув ваколатига қуйидагилар киради:

Жамият тузилмалари раҳбарларини тайинлаш;

ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;

ходимлар мансаб йуриқномаларини тасдиқлаш;

Жамият тузилмалари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чорак якуни бўйича эшитиш;

Жамият ижро органининг даромадлари ва харажатлари сметасини тасдиқлаш;

тасдиқланган смета доирасида ижро органи ходимларини моддий рағбатлантиришни амалга ошириш;

жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни

тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот буйича жамият соф активлари миқдорининг 15 фоизигача ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

Жамиятнинг баланс қиймати қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот буйича жамият соф активлари миқдорининг 15 фоизигача ташкил этадиган асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш;

Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқиладиган масалаларни кўриб чиқиш;

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг аффилланган шахслар билан тузиши кўзда тутилаётган битимларни ўрганиш;

Жамият акциядорларининг арз ва эътирозларини кўриб чиқиш;

Жамиятга суд даъволари тақдим қилиниши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг истиқбол ривожланишининг асосий йўналишлари лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

маркетинг тадқиқотларни ўтказиш;

Жамият кундалик фаолиятининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларини кўриб чиқиш.

2.4. Бошқарув Жамият фаолиятининг барча масалаларини мустақил равишда ҳал қилади, Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

2.5. Бошқарув раисининг ваколатига қуйидагилар киради:

Жамият Устави ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида иштирок этиш;

Ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий булган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

Ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

Акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига шакллантиришни таъминлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;

йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти туғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

Жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;

амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

Жамият Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун Жамият фаолиятига доир масалалар юзасидан ички меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритади;

Акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборот олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш, дивидендлар тўлови бўйича барча ҳуқуқларига амал қилинишини таъминлайди;

Жамият мол-мулки ва пул маблағларини қонун ҳужжатларида ва Жамият ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тасарруф қилади;

Жамият номидан шартномалар, контрактлар ва бошқа битимлар тузади;

Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисоб рақами ва бошқа ҳисобларни очади;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

раис ўринбосарлари (директорлар) ва Бошқарув аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Жамият фаолиятига оид масалаларни ҳал қилишда уларнинг ваколатларини белгилайди;

Жамиятнинг, шўба ва тобе жамиятлари, филиаллари ёки ваколатхоналари раҳбарини тайинлайди;

Жамият бошқармалари, бўлимлар ва бошқа таркибий бўлинмалар низомларини тасдиқлайди;

ходимларни мукофотлаш туғрисидаги низомни тасдиқлайди, лавозим иш ҳақлари, уларга устамаларни, турли қўшимча тўловларни белгилайди, Жамият ходимларини рағбатлантиради, шунингдек, Жамият ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида компенсация тўловларини ўрнатади;

жамиятда ички назорат ва хатарларни бошқариш бўйича, шунингдек коррупцияга қарши ва монополияга қарши комплаенс назорати тизимини ўз ичига олган бўйича оқилона ва самарали тизимни ташкил қилади;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўради, шунингдек уларни содир этиш учун қулай бўлган сабаблар ва шароитларни аниқлаш, таҳлил ва бартараф қилиш чораларини кўради;

жамият мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан Коррупцияга қарши сиёсат ва Компаниянинг корпоратив ахлоқ кодекси талабларига риоя этишини таъминлайди;

монополияга қарши қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўради;

жамият мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан жамиятнинг монополияга қарши сиёсати талабларини бажаришини таъминлайди;

жамият, бошқарув ва назорат органлари аъзолари, мансабдор шахслар ва ходимлар, мижозлар, кредиторлар, шериклар ва бошқа манфаатдор шахслар ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чоралар кўради;

Бошқарув раиси жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамият Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

2.6. Бошқарув раиси ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгаши олдида Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан ҳисобот беради.

2.7. Бошқарув раиси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида молия йили яқунларига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот беради.

2.8. Бошқарув Жамиятнинг инвестиция сиёсатини самарали амалга ошириш учун устав фондларида Жамиятнинг улуши мавжуд корхоналарнинг бошқарув органларида Жамият номидан «Устав фондларида акциядорлик жамияти улушга эга корхоналарнинг бошқарув органларида унинг вакилларининг АЖ номидан овоз бериш Тартиби»га мувофиқ овоз беришни амалга оширади.

3. БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

3.1. Жамият Бошқаруви Жамият Уставига асосан 11 кишидан таркиб топади.

3.2. Бошқарувнинг сон таркиби Бошқарув вазифалари бир ходим томонидан имкони борича кўп бажарилиши, бошқарув девонини қисқартириш, Жамиятни бошқаришда бир-бирини такрорловчи бўғинларнинг тугатилиши ва у билан боғлиқ бошқарув харажатларининг қисқариши тамойилларидан келиб чиқиб белгиланади.

3.3. Бошқарув раиси Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ва аъзолари эса Кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади). Бошқарувнинг аъзолари билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

3.4. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоларини тайинлаш чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилиши мумкин.

3.5. Бошқарув таркибига:

Бошқарув раиси;

Бошқарув раиси ўринбосарлари (Директорлар) киритилади;

Бошқарув таркибига Бошқарув раисининг тавсияси билан жамият фаолиятининг муҳим йўналишларини таъминловчи таркибий тузилма раҳбари ҳам киритилиши мумкин.

3.6. Акциядорларнинг вакили сифатида қатнашаётган ижроия органи аъзолари ижроия органи аъзоларини сайлаш масаласи бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

3.7. Бошқарув раиси Жамият фаолиятидаги ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш эҳтиёжи муносабати билан Жамият Бошқаруви таркибига қўшимча номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

3.8. Жамият Бошқарув аъзолигига номзодлар Бошқарув раиси тавсиясига кўра Кузатув кенгаши мажлисига ҳал қилиши учун олиб чиқилади.

Жамият Бошқаруви аъзолигига номзод Жамиятга ўзининг жиноий жавобгарликка тортилганлиги фактлари тўғрисида маълум қилиши шарт.

3.9. Жамият Бошқаруви аъзолигига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқиладиганда, Кузатув кенгаши мажлисида иштирок этишлари мумкин.

3.10. Жамият Бошқаруви аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш Кузатув кенгаши томонидан шахсий тартибда амалга оширилади.

3.11. Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

3.12. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин Бошқарув раиси ва ҳар бир Бошқарув аъзоси билан ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси тузилади.

3.13. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари билан шартнома бир йил муддатга тузилади, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Шартнома Жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият Бошқаруви раиси билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши зарур.

3.14. Бошқарув аъзолари лавозим мажбуриятларида белгилаб берилган ваколатлар, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари, Бошқарув қарорлари ва Бошқарув раисининг буйруқлари ва фармойишлари доирасида иш тутади.

3.15. Жамият Кузатув кенгаши Бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар Жамият Уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, ёки Жамиятнинг йиллик бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсаткичлари бажарилмаса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

Жамият Кузатув кенгаши Уставга асосан Жамият Бошқаруви раиси ва Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга ҳақли.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Жамият Бошқаруви раиси ёки Бошқарув аъзосининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Жамият Бошқаруви раиси ёки Бошқарув аъзосининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд Жамият Бошқаруви раиси ёки Бошқарув аъзоси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда, акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

Жамият Бошқаруви раиси ёки Бошқарув аъзосининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Жамият Кузатув кенгаши Жамият Бошқаруви раиси ёки Бошқарув аъзоси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек Жамият Бошқаруви раисини сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

4. БОШҚАРУВНИНГ ИШ ТАРТИБИ

4.1. Жамият Бошқаруви мажлисларини ўтказишни Бошқарув раиси ташкил этади, у Жамият номидан барча ҳужжатларни ҳамда Жамият Бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди, Жамият Бошқаруви ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ Жамият номидан ишончномасиз иш юритади.

4.2. Бошқарув мажлислари зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади.

Бошқарув мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Бошқарувига сайланган аъзолар сонининг камида олтмиш фоизини ташкил этади.

4.3. Бошқарув томонидан Кузатув кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда Бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама этилади.

4.4. Жамият Бошқарувининг фикр-мулоҳазалари ҳақида Кузатув кенгашида ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида Бошқарув раиси ёки у томонидан ваколат берилган Бошқарув аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади.

4.5. Бошқарув мажлисини Бошқарув раиси ёхуд кўриб чиқиладиган масалалар тегишлилиги бўйича унинг ўринбосарларидан бири олиб боради.

4.6. Бошқарув мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

4.7. Бошқарув мажлисида баённома юритилади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган Бошқарув аъзолари рўйхати;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари (мажлисда иштирок этган ҳар бир Бошқарув аъзосининг овоз бериш натижасини кўрсатган ҳолда);

қабул қилинган қарорлар.

4.8. Бошқарув мажлислари баённомаларидан кўчирмалар:

Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига, уларнинг талабига кўра;

бошқа мансабдор шахслар ва аудиторлик ташкилотига, уларнинг сўровлари бўйича фақат Бошқарув раисининг рухсати билан;

амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларга ва органларга (шу жумладан давлат органларига) берилади.

4.9. Бошқарув мажлисларининг баённомалари 2 (икки) нусхада тузилади ва мажлисда ҳозир бўлган барча Бошқарув аъзолари томонидан имзоланади.

4.10. Бошқарув мажлисларининг баённомалари Жамиятда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сақланади.

5. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Бошқарув раиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш;

мол-мулк ва пул маблағларини Уставда ёки Жамиятнинг бошқа ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тасарруф қилиш;

шартнома ва контрактлар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузиш;

ишончномалар бериш;

банкларда ҳисоб рақами ва бошқа ҳисобларни очиш;

қўл остидаги барча ходимлар учун мажбурий бўлган буйруқлар ва кўрсатмалар чиқариш;

ходимлар штатини тасдиқлаш, уларнинг кадрлар билан тўлдирилишини таъминлаш;

нотариал идорада Таъсис шартномаси ва жамият Уставига имзо қўйиш;

ҳақ олиш.

5.2. Бошқарув раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

5.3. Бошқарув раисининг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

манфаатлар тўқнашуви юзага келганда, Жамият манфаатларини кўзлаб фаолият юритиш;

Кузатув кенгашини манфаатлар тўқнашуви юзага келиши тўғрисида хабардор қилиш;

Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларида иштирок этиш;

Ўз вазифаларини профессионал асосда амалга ошириш, қонун ҳужжатлари, Жамият устави ва Бошқарув қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни виждонан ва оқилона бажариш;

ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали малакасини ошириш;

Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг сақланишини таъминлаш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилишини таъминлаш;

Жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари, Жамият Устави, ушбу Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Бошқарув раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

Бошқарув раиси Жамият Кузатув кенгашининг розилигисиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида иштирок этишга ҳақли эмас.

Жамиятнинг Коррупцияга қарши сиёсатига риоя қилиш;

Жамиятнинг монополияга қарши сиёсатига риоя қилиш;

Жамиятда қабул қилинган, ижро этувчи орган аъзоларининг жамият назорати органлари, Кузатув кенгаши, жамият мансабдор шахслари ва ходимлари билан тўғри муносабатда бўлишини, коррупция ва порахўрликка қарши курашни назарда тутувчи Корпоратив ахлоқ кодексига риоя қилиш.

5.4. Бошқарув раисининг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари у билан тузилган меҳнат шартномасида келишиб олинади.

5.5. Бошқарув аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун Жамият фаолиятига тааллуқли ҳужжатлардан фойдаланиш имконига эга бўлиш;

Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Жамият фаолиятининг устивор йўналишларини белгилаш бўйича таклифлар киритиш;

Жамият Уставига ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиш ва Жамиятнинг ички ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш;

ҳақ олиш;

Бошқарув аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

5.6. Бошқарув аъзолари мажбуриятларига қуйидагилар киреди:

манфаатлар тўқнашуви юзага келганда, Жамият манфаатларини кўзлаб фаолият юритиш;

Кузатув кенгашини манфаатлар тўқнашуви юзага келиши тўғрисида хабардор қилиш;

Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларида иштирок этиш;

ўз вазифаларини профессионал асосда амалга ошириш, қонун ҳужжатлари, Жамият устави ва Бошқарув қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни виждонан ва оқилона бажариш;

ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали малакасини ошириш;

ўз мажбуриятларини улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;

хар ойда Бошқарув йиғилишларида ўзларига юклатилган топшириқлар ҳолати бўйича ахборотлар тайёрлаш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик;

Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг сақланишини таъминлаш;

Бошқарув аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

Жамиятнинг Коррупцияга қарши сиёсатига риоя қилиш;

Жамиятнинг монополияга қарши сиёсатига риоя қилиш;

Жамиятда қабул қилинган, ижро этувчи орган аъзоларининг жамият назорати органлари, Кузатув кенгаши, жамият мансабдор шахслари ва ходимлари билан тўғри муносабатда бўлишини, коррупция ва порахўрликка қарши курашни назарда тутувчи Корпоратив ахлоқ кодексига риоя қилиш.

5.7. Бошқарув аъзоларининг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари улар билан тузилган меҳнат шартномасида келишиб олинади.

5.8. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари Жамиятнинг аффилиланган шахслари ҳисобланади.

Бошқарув аъзоси аффилиланган шахс ҳисобланган тақдирда, у Жамият билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини

батафсил кўрсатган ҳолда, ёзма билдириш юбориш орқали Жамиятни хабардор этиши шарт.

5.9. Бошқарув аъзолари шахсий манфаатлари учун Бошқарувнинг у ёки бу қарорларни қабул қилишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас.

5.10. Бошқарув аъзолари Жамиятнинг имкониятлари (мулкӣ ёки номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

6. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда Жамият ва унинг акциядорлари манфаатларини кўзлаб иш тутишлари зарур.

6.2. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

6.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

6.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамият Бошқаруви раиси ёки Бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

6.5. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари Жамият томонидан тузилаётган битимларда аффилиланган эканликлари тўғрисидаги ахборотни сир тутганликлари учун жавобгар бўлади.

6.6. Бошқарув аъзолари уларга хизмат мавқеи билан берилган ҳуқуқлардан ўзлари меҳнат ёки қариндошлик муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадлари ва манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари зарур.

6.7. Бошқарув аъзолари Жамият мол-мулкани тасарруф қилишдан шахсий фойда кўриш бўйича ҳаракатларга йўл қўймаслиги зарур.

6.8. Бошқарув аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги натижасида Жамиятга етказилган зарар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият олдида жавобгар бўлади.

7. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ

7.1. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун тўланадиган ҳақ миқдори Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари билан бир йил муддатга тузиладиган шартномада белгиланади.

Бошқарув раиси ва аъзоларига ҳисобот йили давомида тўланадиган рағбатлантиришлар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган

“Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғланган ҳолда белгиланади.

7.2. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоларига Жамият Кузатув кенгаши тавсиясига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ ҳисобот йили якунлари бўйича рағбатлантириш тўловлари амалга оширилиши мумкин.

7.3. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоларига Жамиятнинг ҳисобот молия йилидаги соф фойдаси ҳисобидан рағбатлантириш тўловлари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Kvarts” aksiyadorlik jamiyatining бошқарув ва назорат органлари, меҳнат жамоаси аъзоларини рағбатлантириш” Тартибига мувофиқ амалга оширилади.

8. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамият Бошқаруви аъзоларининг ҳақ ва компенсациялари миқдори ошкор қилинади.

8.2. Жамиятнинг корпоратив сайтида ижроия органининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жойлаштирилади, шу жумладан:

Жамият Бошқарувининг таркиби;

Жамият Бошқарувининг ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар, Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи масалалар ва бошқа махфий ахборотлар бундан мустасно;

Бошқарувнинг Жамият Кузатув кенгашига ҳисоботлари;

Жамият Бошқарувининг фаолиятини баҳолаш тўғрисидаги ахборот;

Жамият таркибига кирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ, Бошқарув томонидан бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисида ҳисобот;

қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бошқа ахборотлар.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Ушбу Низом Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

9.2. Ушбу Низомга амалдаги қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги ва Жамият Уставига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

9.3. Ушбу Низомга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

“Kvarts” АЖ Бошқарув раиси



А.И.Буриев